E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

АМИР ТЕМУР ДИПЛОМАТИЯСИ – ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ НАМУНАСИ

Мирзаев Хуршед Тошқулович

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Халқаро муносабатлар факультетининг Амалий сиёсатшунослик йўналиши магистранти

Аннотация

Ушбу мақолада Амир Темур салтанатида олиб борилган дипломатик сиёсатлар, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиши билан бир қаторда у томонидан илгари сурилган ғоялар ва маданий дипломатиянинг ўзбек давлатчилиги манфаатларини ривожлантиришда тутган ўрни ўрганилган.

Калит сўзлар

Дипломатия, халқ дипломатияси, маданий дипломатия, диний бағрикенглик, ташқи сиёсат, халқаро муносабатлар, элчи, салтанат.

Аннотация

В данной статье рассматривается дипломатическая политика, проводимая в империи Амира Тимура и ее характерные особенности, а также роль, выдвигаемых им идей и культурной дипломатии в развитии узбекской государственности.

Ключевые слова

Дипломатия, общественная дипломатия, культурная дипломатия, религиозная толерантность, внешняя политика, международное сотрудничество, посол, салтанат (королевство).

Abstract

This article considers along with the diplomatic policy pursued in Amir Timur's empire and disclosure of its peculiarities the role of the ideas put forward by him and cultural diplomacy in the development of the interests of Uzbek statehood.

Key words

Diplomacy, public diplomacy, cultural diplomacy, religious tolerance, foreign policy, international relations, ambassador, kingdom.

Дипломатия давлат бошқарувининг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, у орқали мамалакатнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий манфаатларини таъминлашга эришилади. Ўзбек давлатчилиги тарихининг узоқ йиллик ўтмишини ўрганар эканмиз мамлакатимиз ҳудудида ҳукмронлик қилган давлатларнинг асосий эътибори дипломатия йўналишига қаратилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Чунки ҳукуматнинг тараққиёти, иқтисодий ривожланиши ҳамда хавфсизлиги кўп жиҳатдан фаол ташқи сиёсатга боғлиқ бўлган.

Миллий давлатчилигимиз моҳиятини янада кенгроқ англаш учун Соҳибқирон Амир Темур томонидан олиб борилган дипломатик муносабатларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга

мувофиқ. Чунки ушбу даврдаги элчилар муносабати ҳамда халқ дипломатияси жаҳон цивилизациясига катта аҳамият касб этган.

Ҳозирги кунгача етиб келган манбалар ва тарихий далиллар Амир Темур дипломатиясида тинчлик, рақибига шафқат қилиш, ўзаро ҳурмат ва душманларига катта имкон яратиш, турли қийин шароитда ҳам элчиларни қадрлаш, дипломатия қоидаларига қатъий риоя этиш, шахс ҳаётининг дахлсизлиги ва гуманизм ғоялари устувор бўлганлигидан далолат беради.

Амир Темур барча чигал жумбоқларнинг 90 фоизини тўғри қўлланилган тадбирлар, жумладан дипломатия усулларидан фойдаланган ҳолда ҳал этганлигидан тарихий манбалар гувоҳлик бермоқда. Амир Темурнинг жаҳон дипломатияси тарихида тутган ўрни бебаҳо эканлигини, унинг мазкур соҳада ўзига хос устувор йўналишларни вужудга келтирганлиги билан изоҳланмоқда.

Соҳибқирон халқ манфаатларини кўзлаб ҳатто душманлари билан ҳам яқин муносабатда бўлишни ва низоларни тинч йўл билан ҳал қилишни олдига мақсад қилган эди.

Хусусан, Г.Ҳидоятовнинг «Основы дипломатии» асарида “Амир Темур Усмонлиларни мағлуб қилгач, бу давлатни ўз тасарруфига қўшиб олмади ва уни назорат қилишни ўғли Мироншоҳга топшириб, Мироншоҳнинг ўғлини Боязиднинг қизига уйлантириб қўйди” [1.19] деб келтирилган.

Ушбу оқилона тадбир билан Амир Темур ўзининг ашаддий душманини қудасига айлантирди. Бироқ бундан ўзига хос ташқи сиёсий мақсад кўзланганлиги маълум. Бу сиёсатда Осиё менталитетига хос бўлган анъаналарни ва ислом цивилизациясининг таъсирини кузатишимиз мумкин.

Ўз замонасининг қудратли давлат раҳбари Амир Темур даврига оид манбалардан саналмиш Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги” асарида ҳам Соҳибқироннинг дипломатик сиёсати ва унинг ташқи сиёсатига доир айрим муҳим жиҳатларни ўрганишимиз мумкин. Испания элчиси Клавихо ўзининг кундалигида Боғи Чинорда бўлган зиёфат ҳақида сўз юритар экан, у бу базмга ўз сафдошлари билан тилмочни кутганлиги боис кеч қолганлигини ёзади ва воқеани қуйидагича баён этади: “Элчилар базмга келганларида подшоҳ овқатланиб бўлган эди. У: “Бундан буён элчиларни таклиф этганда, улар тилмочни кутиб ўтирмасдан дарҳол етиб келмаклари лозим. Чунки элчилар менинг хонадонимни ва аъёнларимни кўриб, ҳар жиҳатдан яйрасинлар деган ниятда бу сайилни уюштирганман” – деди. Бунинг устига хонадонини бошқарадиган амирларнинг келмаганликлари учун мирзолардан қаттиқ хафа бўлди” [2].

Мазкур ҳикоя тафсилотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, Амир Темур иттифоқдош давлатларининг элчиларига юксак эҳтиром кўрсатган бўлиб, улар учун катта базм ва зиёфатларни ташкиллаштирган.

Ўз даврида Соҳибқирон дипломатияси бошқа давлатлар етакчиларининг дипломатик салоҳиятидан ўзига хос хусусиятлари билан устунлик қилган.

Шу сабабдан Мисрлик тадқиқотчи олим Фатҳи ал-Гувейли “Амир Темурга теран ақл-фаросат ва зийраклик хос бўлиб, бу сифатлар дипломат шахснинг энг муҳим жиҳатини ва асосини

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

ташкил этади. Амир Темур у ёки бу мамлакатга ўз элчиларини юбориб, бошқа давлатлар элчиларини қабул қилиб, кирол ва амирлар билан дипломатик ёзишмалар ўрнатиб, бу соҳанинг шакл мазмунларини янада бойитди” [3.108], - деб эътироф этган.

Манбалардаги маълумотлардан Амир Темурнинг қийин вазиятларда ҳам сабр-тоқат билан муаммо ва масалаларнинг тўғри ечимини топишга интилгани, мутакаббир ҳамда ўзига қаттиқ ишонган душманлари билан юзага келган зиддиятларни мулоҳаза билан ҳамда дипломатик усуллар орқали ҳал қилишга уринганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Жумладан, Тўхтамиш Амир Темур ёрдамида Олтин Ўрда тахтини эгаллаган бўлса-да, қилинган яхшиликларни унутиб Темурга қаршилик қилганлиги маълум. Шундай бўлса ҳам Соҳибқирон ушбу рақибини гуноҳидан ўтди ва Хитой юриши олдидан унинг элчиларига юришдан қайтгач, ёрдам кўрсатишини маълум қилди.

Шунингдек, Соҳибқироннинг Миср ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик муносабатлари ҳам ибрат олишга арзигуликдир. Миср ҳукмдори Фараж Отламишни (Амир Темурнинг яқин шахсларидан бири) асирда ушлаб, уни озод этиш талабига жавоб бермай вақтни чўзишга ҳаракат қиларди. Шом ва Ҳалабдаги Амир Темурнинг эришган ғалабаларидан кейин ундан қўрққан Фараж қилмишидан пушаймон бўлади ва Отламишни озод қилади. Шу билан бирга уни беҳисоб совғалар билан Соҳибқирон ҳузурига жўнатганлигини тарихий манбаларда кўришимиз мумкин.

Миср ҳукмдори Амир Темурга қарши ҳаракат қилган бўлса-да, Соҳибқирон унинг отасиз ўсганлигини инобатга олиб, ўз ўғли сифатида қабул қилади ва “унинг қўлига қувват бераман” [4.354] - дейди.

Ўз навбатида Соҳибқироннинг Европа давлатлари билан олиб борган дипломатик алоқалари ҳам халқаро муносабатларни ривожланишида долзарб йўналиш ҳисобланади.

Ушбу ташқи сиёсий алоқалар Усмонлилар ҳукмдори Боязид Йилдирим билан Амир Темур ўртасида муносабатлар кескинлашаётган бир вақтда амалга оширилган. Боязид Йилдирим Европа мамлакатларига катта хавф туғдираётган мураккаб сиёсий жараёнлар пайтида уни енга оладиган кучли рақибнинг (Амир Темур) геосиёсий майдонга келиши европаликлар учун катта имкон яратган эди. Шу сабабдан улар Соҳибқиронни қўллаб-қувватлаб, унинг қўшини ёрдамида Боязид таҳдидини бартараф этишни мақсад қилган.

Амир Темурнинг дипломатиясида диний бағрикенглик, халқаро ҳамжиҳатлик ва ўзаро самарали иқтисодий муносабатларни кўришимиз мумкин. Таъкидлаш ўринлики, илк давридаёқ Ислом дини бағрикенглик дини сифатида намоён бўлиб, инсонларни мурувватли, очиқ юзли бўлишлик, бошқа дин вакиллари билан эҳтиром ила муомала қилишга чақирган. Бу борада Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “(Эй мўминлар), сизлар Аҳли китоблар билан фақат энг чиройли услубда мунозара қилинглар…” [5]. Мазкур оятда Парвардигори олам бошқа дин вакиллари билан чиройли тарзда муомала қилишга буюрган.

Соҳибқирон Ислом динини яхши ўзлаштирганлиги боис, халқаро муносабатларни йўлга қўйишда шариат қонунларига амал қилган. У томонидан илгари сурилган диний бағрикенглик

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

ғоялари мамлакатда тараққиёт омили сифатида хизмат қилган. Масалан, Европа давлатлари ҳукмдорлари бошқа дин вакиллари эканлигига қарамай Амир Темур улар билан дўстона алоқаларни йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатган.

Люсьен Керен «Амир Темур ва Европа қироллари ўртасидаги муносабатлар кўп жиҳатлари билан кишини ҳайратга солади. Аслини олганда уларни кўп нарса ажратиб турарди: эътиқодлари, тиллари, бир-бирига душман халқлари, ораларидаги масофа ва айниқса, манфаатларнинг турли-туманлиги» [6.205] - деб ёзган эди.

Шу тариқа Соҳибқироннинг европаликлар билан олиб борган ташқи сиёсий муносабатларини таҳлил қилиш жараёнида маълум бўлишича, у «Насроний Испания (ҳукмдори Ҳенри III) билан бошқа Европа давлатларига қараганда анча муҳим дипломатик муносабатлар ўрнатган» [7.205].

Амир Темур Испания ҳукмдорлари билан мактублар ва илтифотлар алмашгани, Соҳибқирон Испанияга юборган элчилари билан Боязид ҳарамидан озод килинган уч нафар насроний аёлларни қўшиб жўнатганлиги тарихий манбалардан маълум. Бу йўл билан Амир Темур Кастилия (Испания) қиролига эҳтиром кўрсатган.

Қайд этиш лозимки, Никопол ёнида Усмонлилар насронийларга қақшатқич зарба берган ва бутун Европага таҳдид солаётган эди. Ушбу вазиятда насронийлар давлат етакчилари учун икки йўл мавжуд эди: биринчидан, дипломатик алоқалар ўрнатиш, иккинчиси, бевосита қуролли тўқнашув. Кастилия қироли дипломатик муносабат йўлини танлади ва Амир Темур ҳузурига ўз элчиларини юборган. Катта ҳадялар билан келган элчиларга Амир Темур эҳтиром кўрсатган, уларни ҳузурига бир неча маротаба қабул қилган ва истакларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилган. Хусусан, Амир Темур саройига (1404-1406 йилларда) Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ташриф буюриб, таассуротларини «Кундалиги» да ёзиб қолдирган.

Шу билан бирга, А.Темур дипломатиясида диний бағрикенглик ғояларига урғу берилганлиги унинг гуржилар билан бўлган ташқи сиёсий муносабатларида ҳам яққол кўзга ташланган. Мисол учун, гуржилар ўз шаҳарлари ва оилаларини Соҳибқироннинг ғазабидан сақлаш мақсадида, элчи жўнатиб: “Тангрининг раҳмати мўминлар учун бўлганидек, кофирлар ва мушриклар учун ҳамдир. Агар жизя тўлаб турсак ва омонда эканлигимизни билсак, сизнинг динингиз ўзингиз учун, менинг диним ўзим учундир...” [4.316] мазмунида мактуб юборган.

Бу ҳодисадан сўнг Амир Темур уларни авф қилиб, юборган ҳадяларини қабул қилади: “Бундан кейин қуллик мақомига дохил бўлиб, яхши бандалик вазифаси ва мақбул хизматларни қилишга киришсинлар. Мусулмонларни ўз заминларида азиз тутсунлар...борди-келди эшигини очсинлар”-дея элчиларга сарполар кийгизиб жўнатади [8.105].

Шу билан бирга Амир Темур ўз давлати иқтисодий салоҳиятини ошириш мақсадида биринчилардан бўлиб европаликларга Шарқ ҳамда Ғарб давлатлари ўртасида ўзаро манфаатли савдо-сотиқ муносабатларини йўлга қўйишни таклиф қилган. Олиб борилган моҳирона ташқи сиёсат натижасида мустаҳкам ва кенг кўламли дипломатик алоқалар ўрнатилган.

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

Шарофиддин Али Яздий маълумотларига кўра, ўзининг санъаткорона безатилган чодир шаҳарчаси Конигилда етти иқлимдан келган элчилар ўн икки поя кўланкасида ўтирардилар [9.291].

Шу билан бирга, Амир Темур халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда маданий дипломатиянинг “юмшоқ кучи”ни самарали қўллаган. Ўз даврида Соҳибқироннинг маданий дипломатияси Шарқнинг турли давлатлари манфаатларини ривожлантириш, интеллектуал элита ва халқлар ўртасида ўзаро мулоқотни яхшилашда катта рол ўйнаган. У бошқа давлатларга сафар қилганда ўша ўлкалар обрўли шахслари, сиёсий давлат арбоблари ва диний уламолари билан мулоқот қилган, уларга алоҳида ҳурмат кўрсатган. Бу ҳолат албатта инсонлар онгига кучли таъсир кўрсатган ва унинг давлати нуфузини ошишига хизмат қилган.

Қайд этиш лозимки, Амир Темур ҳукмронлик қилган даврда унинг салтанати пойтахти бўлган Самарқанд маданий дипломатиянинг марказига айлантирилган. Соҳибқирон интеллектуал элитанинг етакчи донишмандлар ва тажрибали намояндаларини Самарқандга таклиф этиб, уларни махсус уй-жойлар, юқори маошлар билан таъминлаган, илмий лойиҳаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Бунинг натижасида давлат раҳбари ҳақида Шарқ дунёсида тасаввур ва мусбий муносабатлар юзага келган. Шу сабабли кўплаб уламолар ўз хоҳишлари билан бошқа ҳудудлардан салтанат пойтахтига ташриф буюрган ва илмий фаолиятни ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Ўз навбатида Соҳибқирон ҳукмронлиги даврида бошланган кенг миқёсдаги бунёдкорлик ва иқтисодий муносабатлар, барча соҳаларга бўлган талабларнинг ортиши хорижий етук кадрларни жалб қилишни тақозо этган. Мазкур давр мобайнида маданий мулоқот амалиёти кенг тарқалди. Ғарб ва Шарқда муҳим маданий ва илмий марказ ҳисобланган Самарқандга таниқли олимлар, меъморлар, уста-ҳунармандлар, табиблар ва бошқа жамоат арбоблари ўз кўзлари билан “буюк ижтимоий тажриба”ни кўришга келганликларидан тарихий манбалар далолат бермоқда.

Шу билан бирга салтанатда фаолият юритган хорижлик олимлар ҳам халқ дипломатияси намояндалари сифатида ўзлари яқиндан биладиган бошқа шаҳар ва минтақаларнинг билимдон олимларини Самарқандга келишга ундаган. Бундай ҳолатлар маданият, ҳунармандчилик, меъморчилик ва санъат соҳаларида ҳам кўзга ташланган.

Қайд этиш ўринлики, Соҳибқирон давлатида халқ дипломатияси ўзининг юксак равнақига эришганди. Дипломатик муносабатлар доирасида меҳмондўстликнинг ўзига хос техникаси алоҳида аҳамият касб этган эди. Самарқанд сиёсий арбоблари билан меҳмонларнинг учрашувлари, илмий баҳс-мунозаралар ҳамда юқори савиядаги базмлар ташкил этиларди.

Эътиборлиси маданият ва илм вакиллари билан Соҳибқирон шахсан ўзи мунозаралар қилиб, уларнинг ҳурмат-иззатини ўз жойига қўйган. Қолаверса давлат ривожи ва эришган улкан ютуқлар, оламшумул иншоотлар, қурилган жойлар хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган элчилар ва дипломатик соҳа намояндаларига намойиш этиларди. Бу омиллар Амир Темур салтанатининг ижобий имижи ҳамда қиёфасини бутун дунё аҳли тасаввурига сиғдиришга муҳим рол ўйнаган.

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

Хулоса тариқасида айтиш жоизки, буюк салтанат раҳбари ва моҳир саркарда Амир Темур дипломатияси жуда катта ва кенг қамровли мавзулардан ҳисобланади. Унинг Туркистонда мустақил марказлашган давлатни барпо этиш жараёнидаги дипломатик фаолияти, ёш мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун Олтин Ўрда ва Дашти Қипчоққа нисбатан қўлланилган тадбирлари, жаҳонгирлик амалиёти бошлангандан сўнг Хуросон, Эрон ва Ироқи Ажам, Кавказ чегаралари, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Туркия ва Европа давлатлари билан амалга оширилган мулоқотларнинг ҳар бирини алоҳида илмий тадқиқот манбалари сифатида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Соҳибқирон асос солган буюк салтанатнинг хорижий ва дипломатик муносабатларига оид юқорида келтирилган маълумотлар Амир Темурнинг буюк давлат арбоби ва зийрак дипломат бўлганлиги, у барпо этган мамлакатнинг жаҳон миқёсида обрў қозонганлиги ҳамда кенг қамровда фаолият кўрсатганлиги, ўша даврдаги барча нуфузли давлатлар билан ташқи сиёсий алоқаларни йўлга қўйганлигини билиб олишимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ҳидоятов Г.А. Основы дипломатии. – Тошкент: УМЕД, 2002 й.

2. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. – Тошкент: Санъат, 1990 й.

3. Фатхи ал-Гувейли. Амир Темур дипломатияси. Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996 й.

4. Низомиддин Шомий. Зафарнома. (Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Хакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Асомиддин Уринбоев). – Тошкент: Ўзбекистон, 1996 й.

5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, “Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси”. Анкабут сураси, 46-оят. «Hilol-Nashr», 2021 й.

6. Керен Л. Амир Темур салтанати (Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б.Эрматов). – Тошкент: Маънавият, 1999 й.

7. Керен Л. Амир Темур салтанати (Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б.Эрматов). – Тошкент: Маънавият, 1999 й.

8. Маннонов Б.С. Амир Темур дипломатияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996 й.

9. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошканд: “Камалак”, 1994 й.